2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

5 (607)

2008 йил 30 январь

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2

▶ Йиғинларда йиғилган тажриба

▶ «Олтин қалам»га даъвогарлар кўп!

3

▶ Иқтидорли ёшларга имкон эшиклари очиқ

▶ Ширкатга ҳамма қарздор(ми?)!

4

▶ Куёвнинг айбини ким яширди?

▶ Бой амаки тўлолмаган қарзни болакай «узди»...

e-саҳифада

МАҲАЛЛАНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАСИ

Айни кунда мамлакатимизда 3534 та маҳалла милиция таянч пунктлари мавжуд

"Юксак профессионализм, хушмуомалалик, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила ва мактаб ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш — ҳар бир профилактика инспекторининг хусусиятлари бўлмоғи даркор".

Ислом КАРИМОВ

«Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловида ғолиб бўлган Жиззах вилояти Жиззах шаҳри Зилол маҳалласидаги 5-милиция таянч пункти инспектори Баҳриддин Гулмуродов.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси, Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ва Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида республика "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танлови бир неча йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Куни кеча пойтахтимизнинг муҳташам "Туркистон" саройида ушбу кўрик-танловнинг 2007 йилдаги натижалари бўйича якуний босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди. Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси раиси А.Аҳмедов, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари М.Зуфарова, Олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Парпиевлар сўзга чиқиб, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида юртимиз осойишталигини мустаҳкамлаш, фуқароларимизнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини янада юксалтириш, барча кўринишдаги жиноятларнинг олдини олиш борасида кенг кўламли амалий тадбирлар қўлланилаётгани, бу тадбирлар самарасини таъминлашда жойларда фаолият юритаётган милиция таянч пунктларининг ҳиссаси беқиёс эканини эътироф этдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, юртимиздаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамжиҳатликда иш юритувчи милиция таянч пунктлари профилактика инспекторлари фаолиятининг ўзига хос тизими яратилди. Профилактика инспекторларининг жойларда қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг манфаатлари муҳофазасини кучайтириш борасидаги фаолияти моддий-техникавий ва услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Замонавий услубда қурилган милиция таянч пункти бинолари эса маҳалларимизнинг кўркига кўрк қўшмоқда. Айни кунда мамлакатимизда 3534 та милиция таянч пункти мавжуд бўлиб, ҳар бир профилактика инспектори ўз фаолиятини ҳудуддаги йиғин ходимлари билан ҳамкорликда юритмоқда. Бу ҳамкорлик самарасида маҳалладошларнинг ҳаёти ва фаолиятига доир кўпгина муаммо ва камчиликлар йиғиннинг ўзида ечим топмоқда. Энг муҳими, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида қонунбузарлик, жиноят содир этиш ҳоллари йилдан йилга камайиб боряпти. Масалан, ўтган йил мобайнида юртимиздаги маҳаллаларнинг 2658 тасида бирорта ҳам жиноят содир этилмаган. Маҳалла-кўй ҳаётида учраб турадиган оилавий можаролар, кўни-кўшнилар ўртасидаги келишмовчиликлар 65 мингдан зиёд ҳолатда фуқаролар йиғинлари қошидаги яраштириш комиссиялари ва профилактика инспекторлари сайъ-ҳаракатлари билан бартараф этилган.

Давоми 2-саҳифада

2008 йил — Ёшлар йили

Қашқадарё вилояти

ОЧИҚ МУЛОҚОТДА ОЧИЛАЖАК ЙЎЛ

ёшлар муаммоларини ҳал этишга хизмат қилади

Ёшлар йилида амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаларини тузиш Президентимиз томонидан 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши билан боғлиқ бошланиб кетган бўлса, айни кунларда бу борадаги амалий ишлар ижросига киришилган.

Хабарингиз бор, ўтган йили вилоятдаги тўртта туманда ёшлар ижтимоий хизмат марказлари иш бошлаган эди. Жорий йилда ана шундай марказлар фаолиятини барча туманларда йўлга қўйиш режалаштирилди. Қолаверса, мазкур марказлар тармоқ ва филиалларининг қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам ташкил этилиши вилоятнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш ишларини янада жонлантириш, ижтимоий хизматлар тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳар ойнинг учинчи шанбасини "Ёшлар куни" деб эълон қилди. Бу ташаббус замирида эзгу мақсадлар мужассам. Яъни ушбу кунларда корхона, ташкилот, муассаса раҳбарларининг ёшлар билан очиқ мулоқотлари ташкил этилиб, муаммолар ўртага ташланади, уларнинг ечимини топиш йўллари изланади. Очиқ мулоқотлар давомида ёшлар ўзларини қизиқтираётган саволларга жавоб оладилар. Уларнинг ижодий, илмий изланишлар олиб боришлари, тадбиркорлик, ишбилармонлик соҳасида мўлжаллаб қўйган режаларини амалга оширишлари учун йўл-йўриқлар кўрсатилиб, моддий-маънавий кўмак берилади.

Шунингдек, "Ёш тадбиркор ва ишбилармонларни маънавий қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси доирасида махсус ўқув курслари ташкил этилиб, маълумотлар базасини яратишга киришилди. Бу тадбиркорлик билан шуғулланаётган ёшларнинг билим ҳамда малакасини ошириш, кўникмасини шакллантиришга хизмат қилади. Шаҳар, туман ҳокимликлари, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ўрта махсус касб-ҳунар бошқармалари, олий-ўқув юртлари, мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида "Бўш иш ўринлари" акциясининг ташкил қилиниши эса ёшлар ўртасида ишсизлик муаммосини бартараф этишга кўмаклашиши шубҳасиздир.

Ўтган йили биринчи марта ўтказилган "Йилнинг ёш қаҳрамонлари" кўрик-танлови ёшлар ҳаётида янги саҳифа очди. Мазкур кўрик-танлов фан, таълим, маданият, санъат, адабиёт, спорт ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида юқори натижаларга эришаётган ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашда, уларни муносиб рағбатлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Қарши шаҳрида ёш оилалар учун 32 хонали иккита турар-жой биноси қад кўтараётгани давлатимиз томонидан келажак авлодга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунасидир. Бу ўнлаб ёш оилаларнинг уй-жой муаммосини ҳал этиши билан бирга шу оилаларда вояга етаётган фарзандлар камолоти учун ҳам зарур шарт-шароитлар яратади.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Сирдарё вилояти

ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИ ИШЛИ БЎЛДИ

Вилоятда ёшларни иш билан таъминлашга, хусусан, қишлоқларда ишлаб чиқариш субъектлари ташкил этиб, аҳоли бандлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Боёвут тумани Деҳқонобод қишлоғида иш бошлаган "Хоразм маликаси" Ўзбекистон—Туркия қўшма корхонасида тайёрланаётган гиламларга тобора харидор кўпаймоқда. Даставвал бу ерга Хоразм ва Жиззах вилоятларидан қўли гул усталар жалб қилиниб, қишлоқ ёшларига гилам тўқиш сирлари ўргатилди. Корхона раҳбарияти қишлоқ ҳудудидаги фойдаланилмай ётган бино ҳисобига цехни кенгайтириб, ишни икки сменада ташкил этди. Эллик нафардан зиёд ишчи меҳнат қилаётган қўшма корхонада кейинги уч ой давомида 30 минг квадрат метр гилам тайёрланди.

— Корхонада биз, ишчилар учун барча қулайликлар яратилган, — дейди Наргиза Гулмуродова. — Ҳозир дугоналарим қатори мен ҳам мустақил гилам тўқияпман. Энг муҳими, ҳунарли ва ишли бўлганимиздан мамнунмиз.

Д.ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири.

Замонавий қулайликлар

Бухоро вилояти

ЖОНДОРЛИКЛАР ҒАМХЎРЛИКДАН МИННАТДОР

Жондор туманидаги Навгади маҳалласи фуқаролар йиғини ҳудудида янги болалар спорт майдончаси қурилиб фойдаланишга топширилди.

Бу ерда маҳалла ёшлари бўш вақтларини кўнгилдагидек ўтказиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, спортнинг мини футбол, волебол, қўл тўпи каби оммавий турлари билан шуғулланаётган ёшлар майдончани барпо этишда ҳомийлик қилган "Маҳалла" ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаларининг туман бўлинмалари мутасаддиларидан миннатдор бўлишяпти.

Ҳамроз АЛИ,
"Mahalla" мухбири.

Жиззах вилояти

МАҲАЛЛАДА ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва бу борадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш юзасидан вилоятда самарали ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда Жиззах шаҳрида ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасида оилавий поликлиника қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Мазкур поликлиника Маданият ва Бобур номли маҳаллалар фуқаролари ҳамда ушбу ҳудудда жойлашган корхона ва муассасалар ходимларига хизмат кўрсатишга мўлжалланган бўлиб, бу ерда йигирмадан ортиқ касаллик турлари бўйича етмиш нафар малакали тиббиёт ходими фаолият юритмоқда. Маҳаллада бундай қулайликнинг яратилиши фуқароларни шифо истаб шаҳар марказига бориш ташвишидан халос қилди.

Энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган поликлиника "Бизнес Жиззах" хусусий фирмаси томонидан қурилиб, унда қўшимча равишда олтмиш ўринли физиотерапия бўлимини очиш имконияти ҳам мавжуд. Бу келгусида яна йигирмадан ортиқ янги ишчи ўринларини барпо қилишга имконият яратади.

Абдували ҚАРШИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Mahalla

— Яна нима дейсиз?
— Қашқадарёда ҳар ойнинг учинчи шанбаси «Ёшлар куни» деб эълон қилинибди.

Ташаббус

Қорақалпоғистон Республикаси

ЙИҒИН ТАЖРИБАСИ — ТИЗИМ ТАЖРИБАСИ

фуқаролар йиғинлари иш тажрибаси ўрганилиб, маҳалла тизимида оммалаштириляпти

"Маҳалла" жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими Ёшлар йилини ибратли ташаббус билан бошлади. Унга кўра жамғарма бўлими ташаббуси ҳамда шаҳар, туман бўлинмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкилотчилиги асосида жойларда мунтазам равишда кўргазмали ўқув-семинарлар ўтказиб боришга келишиб олинди. Бундай тадбирлар тизим ходимларининг ўзаро тажриба алмашишлари, фаолиятда эришаётган ютуқларини эътироф этиб, камчиликларини ўз вақтида бартараф этишларида муҳим аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиз.

Дастлабки ўқув-семинар Амударё туманида ўтказилди. 160 мингга яқин аҳоли истиқомат қиладиган туманда айни пайтда 24 та маҳалла ва овул фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда. Туман меҳнаткашлари юрт равнақи йўлида баҳамжиҳат меҳнат қилиб, улкан муваффақиятларни қўлга киритишмоқда. Амударёликлар Ёшлар йилида қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, алоқа ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантириш, турмуш фаровонлигини юксалтиришга астойдил бел боғлашган. Бунда албатта, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда унда фаолият кўрсатувчи ходимларнинг ўрни ва ҳиссаси беқиёс бўлиши табиий.

Давоми 2-саҳифада

Фарғона вилояти

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча жойларида баҳорги экиш мавсумига қизғин ҳозирлик кўрилаётир.

ИШ ҚУРОЛИНГ СОЗ БЎЛСА....

Фарғона вилоят "Машина-трактор парклари" бирлашмаси очиқ акциядорлик жамиятида ҳам бу ишлар ниҳоясига етказилмоқда. Ҳар бир туманда механизаторлар ўқуви ташкил этилган. Шу пайтга қадар машғулотларда олти мингга яқин механизатор малака оширди.

Бувайда тумани "Машина-трактор парки" акциядорлик жамиятида ҳам қишлоқ хўжалиги техника воситалари сифатли таъмирдан чиқарилди.

— Жамиятимиз ходимлари деҳқон ва фермерларга ёрдами тегаётганидан мамнун, — дейди акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Абдухалил Сайдалиев. — Барча техника воситалари, машина-механизмларни таъмирдан чиқардик. Ҳозирги кунда 132 чопиқ трактори, 72 сеялка, 328 борона экиш мавсумига тайёрлаб қўйилди.

Акциядорлик жамияти 470 га яқин фермер хўжалигига шартнома асосида хизмат кўрсатмоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Хатлар бўлими: 236-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Қашқадарё вилояти

Солиққа оид семинар

Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда 2007 йил 25 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонуни мазмум-моҳияти, 2008 йилги солиқ сиёсатининг афзаллик жиҳатлари, янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг меъёр ва йўналишларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан республика Давлат солиқ қўмитасининг бош мутахассислари Н.Норбоев, К.Орзибеков, Ф.Ҳошимовлар маъруза қилиб, 2008 йилги солиқларнинг ўзига хос хусусиятлари, солиқ мажбуриятларини бажариш ва назорат қилиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шунингдек, тадбирда солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик, юридик ҳамда жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар, деклорация асосида солиқ солиш, бюджетдан ташқари пенсия, йўл ҳамда мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаларига мажбурий ажратмалар ҳақида ҳам сўз юритилди.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Кўрик-танлов якуни

МАҲАЛЛАНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАСИ

Айни кунда мамлакатимизда 3534 та маҳалла милиция таянч пунктлари мавжуд

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Рағбат киши юрагидаги ғайратни оширади, деган гап бор халқимизда. Анъанавий "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танлови ҳам ўз ишига фидойи, мард ва жасур профилактика инспекторларининг юртимиз осойишталиги, халқимиз тинчлигини сақлаш йўлидаги

"Энг фаол ва ибратли хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси" номинацияси ғолиби Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги Зилол маҳалласи хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Гулнора Бобоқулова

меҳнатлари муносиб эътироф этиладиган муҳим ижтимоий воқеага айланиб улгурди. Навбатдаги кўрик-танловда тўртта ҳудудий гуруҳларнинг ҳар бирида биринчи, иккинчи ва учинчи ўринга сазовор милиция таянч пунктлари аниқланди ва тақдирланди. Шундай қилиб, Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги Мир Саид Барака номидаги маҳалла аҳлига хизмат кўрсатувчи 14-милиция таянч пункти (профилактика инспектори Зафар Воҳидов), Фарғона вилояти Охунбобоев тумани Ғиштмон маҳалласидаги 240-милиция таянч пункти (профилактика инспектори Давлатжон Даминов), Жиззах вилояти Жиззах шаҳрида жойлашган Зилол маҳалласидаги 5-милиция таянч пункти (профилактика инспектори Баҳриддин Гулмуродов), Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани Тазғара маҳалласидаги 4-милиция танянч пункти (профилактика инспектори Содиқ Ибраимов) кўрик-танлов ғолиби деб топилиб, кўрик-танловнинг I даражали дипломи ва "Матиз" енгил автомашинаси топширилди. Пойтахтнинг С.Раҳимов номидаги туманида жойлашган Истиқлол маҳалласи, Бухоро вилояти Қоровулбозор туманидаги Ал-Бухорий номидаги маҳалла, Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги Намуна маҳалласи, Наманган вилояти Косонсой туманидаги Қўқимбой маҳалласи милиция таянч пунктлари 2-ўринга лойиқ деб топилди ва ушбу таянч пунктларида фаолият юритаётган профилактика инспекторларига кўрик-танловнинг II даражали дипломи ҳамда компьютер жамланмалари топширилди. Кўрик-танловда 3-ўринга сазовор бўлган — Тошкент тумани Ҳасанбой маҳалласи, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги Тараққиёт маҳалласи, Андижон вилояти Асака шаҳрида жойлашган Муқимий номидаги маҳалла ва Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги Нуристон маҳалласи милиция таянч пунктларининг профилактика инспекторларига эса кўрик-танловнинг III даражали дипломи ва рангли телевизор топширилди.

Кўрик-танловда "Йилнинг энг яхши профилактика инспектори" деб Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги Қурувчи маҳалласи аҳлига хизмат кўрсатувчи 18-милиция таянч пункти профилактика инспектори Бахтинур Сафаров топилди ва тақдирланди. Шунингдек, профилактика инспекторлари билан ҳамкорликни намунали йўлга

Кўрик-танловнинг ғолибларидан бири Фарғона вилояти Охунбобоев тумани Ғиштмон маҳалласидаги 240-милиция таянч пункти инспектори Давлатжон Даминов

қўйган ва самарали фаолият юритаётган фуқаролар йиғинлари ходимлари ҳам аниқланди ва мукофотланди. Бухоро вилояти Қоровулбозор туманидаги Ал-Бухорий номидаги маҳалла йиғини раиси Жумагул Абдужалилова "Энг фидойи маҳалла йиғини раиси", Наманган вилояти Косонсой туманидаги Қўқимбой маҳалласи посбонлари сардори Равшан Усмоналиев "Энг ташаббускор маҳалла посбони", Тошкент шаҳар С.Раҳимов номидаги туманда жойлашган Истиқлол маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зулхумор Турсунова "Энг етакчи маърифий-маънавий маслаҳатчи", Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги Зилол маҳалласи хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Гулнора Бобоқулова "Энг фаол ва ибратли хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси" сифатида тақдирландилар.

Кўрик-танловнинг якуний босқичи доирасида ушбу танловда иштирок этган барча милиция таянч пунктлари фаолиятидан ҳикоя қилувчи кўргазма ҳам ташкил этилди.

Ўзбек миллий ва эстрада санъати намоёндалари ижросидаги концерт дастури кўрик-танлов ғолиблари ва иштирокчилари учун муносиб қутлов бўлди.

Мавлуда ҚОСИМОВА

Тошкент вилояти

Маълумки, бугунги кунда фуқаролар йиғинларига ўзини ўзи бошқариш органи сифатида жуда катта ваколатлар берилган. Уларнинг фаолиятини қонунан кафолатловчи қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мавжуд. Улар асосида сўнгги йилларда тизимда кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, кўпгина ютуқларга эришилмоқда.

Муаммолар ҳамкорликда ҳал этилади

Ўз навбатида маҳалла тизими фаолиятининг ривожланишига тўсиқ бўлаётган айрим камчилик ва муаммолар ҳам мавжудки, уларни ўз вақтида бартараф этиш учун фуқаролар йиғинлари ва қатор мутасадди ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш талаб этилади.

Вилоят ҳокимлиги, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар бошқармаси ташаббуси ҳамда бир қатор мутасадди ташкилотлар ҳамкорлиги асосида фуқаролар йиғинлари фаолиятида, айниқса, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртасида учраётган салбий оқибатларни бартараф этишга бағишлаб ўтказилган семинарда шу ҳақда сўз юртилди.

Тадбирда вилоятдаги мутасадди ташкилот ва идоралар раҳбарлари, фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, маслаҳатчилари, посбонлар сардорлари ҳамда бошқа ижтимоий соҳа вакиллари иштирок этишди.

Тадбир давомида ўтган йилда эришилган ютуқ ва камчиликлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил этилди.

— Ўтган йилда вилоят ва шаҳар маҳаллаларида ўтказилган мониторинглар натижаси шуни кўрсатдики, фуқаролар йиғинларида ечимини топмаган талайгина муаммолар мавжуд, — дейди "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси Комилжон Шодиметов. — Улар кўп ҳолларда фуқаролар йиғинлари мутасаддиларининг эътиборсизлиги оқибатида юзага келмоқда. Тўғри, вилоятимиздаги аксарият маҳаллаларнинг фаровонлиги, осойишталиги ва ободлигини кўриб, кўзингиз қувонади. Бироқ шундай маҳаллалар ҳам борки, у ерда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан маҳалла мутасаддилари тўлиқ бохабар эмаслар. Бу эса мавжуд муаммо ва камчиликни аниқлаб, ўз вақтида тегишли чора кўришга, уларни бартараф этишга имкон бермайди. Менимча, бунда фақат биргина оқсоқолни ёки маҳалланинг бошқа ходимларини айбдор қилиб қўйиш нотўғри. Негаки, бутун маҳалланинг ишини бир-икки киши саъй-ҳаракати билангина жонлантириб бўлмайди. Шу боис мавжуд муаммоларни ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда бартараф этишимиз, энг асосийси, уларнинг олдини олишимиз зарур. Бу борада ҳеч қандай янгилик яратишга ўрин йўқ, чунки тизим фаолиятини тўғри ташкил қилишга оид механизмлар аллақачон ишлаб чиқилган. Фақат уларни ишлата билишимиз, зиммамиздаги вазифаларга масъулият билан ёндошишимиз лозим.

Тадбир сўнгида иштирокчилар "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими томонидан таклиф қилинган ҳамкорлик дастурини қўллаб-қувватлаб, мазкур дастур тизим фаолиятини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этишига ишонч билдиришди.

Наргис БЕРДИБОЕВА,
"Mahalla" мухбири.

Ташаббус

Қорақалпоғистон Республикаси

ЙИҒИН ТАЖРИБАСИ — ТИЗИМ ТАЖРИБАСИ

фуқаролар йиғинлари иш тажрибаси ўрганилиб, маҳалла тизимида оммалаштириляпти

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

"Маҳалла" жамғармасининг 2 та шаҳар, 14 та туман бўлинмаси раҳбарлари, адлия ходимлари, маҳалла ва овул фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда жамоатчилик вакилларидан иборат ўқув-семинар иштирокчилари тадбирни Тўлқин овулида амалга оширилаётган ишлар билан танишишдан бошлашди. Мазкур овулда фермер хўжаликлари ёрдами билан ишсизлик муаммоси тўла бартараф этилган. Ўтган Ижтимоий ҳимоя йилида кам таъминланган 20 та оилага соғин сигир бузоғи билан берилгани, хайр-саховат ишларига 6,5 миллион сўм маблағ сарфлангани ижтимоий соҳада олиб борилаётган ишлар кўламини намоён этади. Учрашув сўнгида ёш оилалардан бўлган Жумамуродовлар оиласига, 33-мактабнинг фан олимпиадаси ғолиби бўлган 4 нафар ўқувчисига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шунингдек, тумандаги Ўрта Овул фуқаролар йиғинида ўтган йили 45 та фермер хўжалигининг ташаббуси ва амалий кўмаги билан кам таъминланган юзта оилага ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Йиғинда ҳар ойнинг 25-санасида "Ёшлар акциялари" мунтазам равишда ўтказиб борилади. Акция давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланиб, 12 та оила соғин сигир билан таъминланди. 4 километр узунликдаги газ қувурлари таъмирланди. Эътиборлиси, бундай хайрли ишлар аҳоли ташаббуси, фаол иштироки орқали амалга оширилянти.

Манғит шаҳри марказидаги Маданият саройида ўқув-семинар иштирокчилари ва туман меҳнаткашларининг учрашуви ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Меҳмонлар умумтаълим мактаблари ва коллеж ўқувчилари томонидан илиқ кутиб олинди. Тадбирда сўзга чиққанлар ёшларни Юртбошимиз томонидан билдирилаётган ишонч, яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланишга, катта авлод вакилларини эса эзгу амаллари билан ёшларга ўрнак бўлишга чақирдилар. Учрашув сўнгида ёрдамга муҳтож оилаларнинг 50 нафардан ортиқ фарзандларига, ногирон болаларга, ёш оилаларга эсдалик совғалари топширилди.

Ўқув-семинарнинг туман ҳокимлигида бўлиб ўтган якунловчи қисмида "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурининг якунлари ва жорий йилда бажарилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида давра суҳбати ташкил этилди. Унда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган муҳим ва устувор вазифалар хусусида сўз юритилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва тизим ходимларининг кўп қиррали, сермашаққат фаолиятига берилган юқори баҳо мамнуният билан таъкидлаб ўтилди.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» III МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» халқаро танловини ўтказади.

Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб ўтказиладиган бу танловга 2007 йилнинг 31 мартидан 2008 йилнинг 31 мартигача - бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2008 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1 -, 2-, 3- ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1 -, 2-, 3- ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот — 1 -, 2-, 3- ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика — 1 -, 2-, 3- ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:

— журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;
— фаол фуқаролик позицияси учун;
— ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
— ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
— «Ёшлар йили»га бағишланган энг яхши материал учун;
— маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;
— ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун;
— энг яхши журналистик текширув учун;
— мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;
— энг яхши режиссёрлик иши учун;
— йилнинг энг яхши дебюти учун;
— энг яхши фоторепортаж учун;
— энг яхши карикатура учун;
— чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Танловга теле, радио, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

— муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
— муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;
— паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш 2008 йил 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Телефонлар: **144-64-62; 144-37-87;**
Факс: **144-69-65**
E-mail: **ijod@sarkor.uz** **www.Journalist.uz**

"ЖАМИЯТ ВА МЕН — 2008"

Босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрларда мамлакат ҳаётининг устувор ва долзарб йўналишларини кенг ёритиш, аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юксалтиришда журналистларнинг иштирокини кенгайтириш ва фаолиятини рағбатлантириш ҳамда босма ва интернет нашрларини жамият ҳаётида кечаётган жараёнлар тезкор, холис ва ҳаққоний, таҳлилий жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар билан бойитиш, журналистларнинг профессионал маҳоратини ва ижодий фаоллигини ошириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистларини танловда қатнашишга таклиф этади.

Танлов шартлари

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислоҳотларнинг боришини, тиббиёт, таълим, кадрлар тайёрлаш, тадбиркорлик ва спортни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалдаги ижросини ёритишга бағишланган ижодий ишлар тақдим этилади.

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган бўлиши керак.

Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид) маълумотлар илова қилинади:

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрларда, "Жамият ва Мен" танловига" рукнида 2007 йилнинг 1 сентябридан — 2008 йилнинг 10 июнига қадар чоп этилган бўлиши шарт.

Танлов ғолиблари "Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни" байрами арафасида аниқланиб тақдирланадилар.

Танлов йўналишлари

Танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:
- энг яхши таҳлилий мақола;
- энг ўткир танқидий мақола;
- энг яхши журналист текшируви;
- интернетдаги энг яхши мақола;
- энг муфассал шарх;
- энг яхши фоторепортаж;
- йил дебюти (талаба-журналистлар учун).

Танловни ўтказиш тартиби

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, манфаатдор идора ва муассасалар вакилларидан иборат нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов ғолибларига мукофотлар

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари Фонд томонидан таъсис этилган диплом, қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирланадилар.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар "Жамият ва Мен-2008" танловига" деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2008 йил 15 июнига қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 144-12-51, **www.mmf.uz**, e-mail: **mmf@uzpak.uz.**

Ташкилий қўмита

Ёшлар камолоти йўлида

ИҚТИДОРЛИЛАР ЭЪТИБОРДА

Пойтахтимизда Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Асосий мақсадимиз юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир" маърузасида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишида оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, мамлакатимизнинг етакчи оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари ва ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори ўринбосари А.Хўжаев, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Ж.Ҳакимов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси ўринбосари И.Саифназаров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда эркин демократик давлат, инсон манфаати ва ҳуқуқлари устувор бўлган кучли фуқаролик жамияти барпо этишдек масъулиятли жараёнда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти катта эканини таъкидладилар.

Юртимизда оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, халқимизни тезкор ва холис ахборот билан таъминлаш, журналист кадрларнинг эркин, самарали ижод қилиши учун барча имконият ва шароитларни яратиш, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг доимий эътиборида.

Конференцияда 2008 йил — Ёшлар йилида кучли ижтимоий сиёсатнинг узвий қисми бўлган ёшлар манфаатларини таъминлаш, уларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши билан боғлиқ жараёнларни кенг ва атрофлича ёритиш, журналистларнинг масъулиятини янада ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан 2007 йилда ўтказилган кўрик-танловлар, ижодий беллашувлар ғолибларига дипломлар топширилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

ЁШЛАР ОИЛАВИЙ ТУРМУШГА ТАЙЁРМИ?

...Залда ўтирганлардан маъруза юзасидан саволлар бор-йўқлиги сўралди. Шунда тингловчилардан бири:

— Менга никоҳ шартномасини тузиш ҳали оила қурмасдан туриб унинг тақдирига ишончсизлик билан қараштек туюлади. Ахир ота-боболаримиз шусиз ҳам бахтли турмуш кечиришган-ку! — деди.

— Турли ислоҳотлар, бемисл янгилиниш ва ўзгаришлар рўй бераётган бугунги шиддатли давримизни кечаги кун билан асло солиштириб бўлмайди. Биз қураётган ҳуқуқий-демократик давлатда, фуқаролик жамиятида инсонлараро муносабатлар ҳам ҳуқуқий асосларга эга бўлиши керак. Никоҳ шартномаси мулкий низоларни тартибга солиш учун нотариал идораларда тузилади. Қолаверса, бундай шартномани тузган эр-хотин ўзи ва турмуш ўртоғининг мулки ҳақида тушунчага эга бўлиб, онгли равишда оилани мустаҳкамлашга интилади...

Ҳаётий мисоллар билан далилланган жавоб барчани қониқтирди.

Ҳар йили мамлакатимизда минглаб ёш оилалар никоҳи қайд этилади. Албатта, янги оила яхши ниятлар, эзгу орзу-умидлар билан бунёд этилади. Аммо ҳаёт синовларига дош бериб, оила қўрғонини сақлаб қолиш икки ёшдан, қолаверса, атрофдагилардан катта масъулият, саъй-ҳаракат, куч ва эътибор талаб этади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, эр-хотин ўртасидаги ажримларга кўпинча ёшларнинг оилавий ҳаётга маънан ва жисмонан тайёр эмаслиги, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билмаслиги сабаб бўлар экан. Шу боис Юртбошимиз оила қуриш нафақат икки ёшга, балки бутун жамият ҳаётига дахлдор масала эканлигини алоҳида таъкидлаб, барчани ёшлар ўртасида соғлом оила тушунчасини тарғиб этишга даъват этган эдилар.

Шу жиҳатдан қараганда Юнусобод тумани ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман ФҲДЁ бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ҳамда Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти ташаббуси билан ташкил этилиб, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ўқувчиларини жамлаган жамоатчилик асосидаги ёш оила қурувчилар мактабининг фаолияти диққатга сазовор. Ёшларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, тиббий саводхонлигини ошириш, уларни миллий ғоя ва қадриятлар руҳида тарбиялаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва энг асосийси, оилавий ажримларнинг олдини олиш ёш оила қурувчилар мактаби фаолиятининг асосий мақсадидир. Мактабда машғулотлар давомида тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик ва Оила кодекслари, оилада ҳуқуқий ва тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом авлодни вояга етказиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга доир Президент ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти тушунтириб борилади.

Ёш оила қурувчилар мактабининг жорий йил январь ойидаги дастлабки машғулоти Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицейда бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг етакчи мутахассиси Аброр Бердиев 2008 йил 7 январда қабул қилинган "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва унинг аҳамияти ҳақида маъруза қилди. Тингловчиларда айниқса, Юнусобод тумани ФҲДЁ бўлими мудираси Марҳамат Юлдашеванинг "Оила кодекси. Никоҳнинг тугатилиши ва уни ҳақиқий эмас деб топиш" мавзусидаги маърузаси катта таассурот қолдирди. Марказий поликлиника шифокори Рўзигул Шодиеванинг "Аёлларни соғлом ҳомиладорликка тайёрлаш ва соғломлаштириш усуллари" мавзусидаги маърузаси давомида намойиш этилган тўрт қисмли мультпликацион фильм ёшларда муайян тиббий кўникмани шакллантириш учун хизмат қилди, дейиш мумкин.

— Бўлажак келин-куёвларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларга соғлом турмуш тарзи ва тиббий кўрикнинг афзалликларини тушунтириш, ҳуқуқий билимларини оширишда бундай машғулотларнинг аҳамияти катта, — дейди туман ФҲДЁ бўлими мудираси Марҳамат Юлдашева. — Зеро, бу жамиятимизда тинч-тотув оилаларнинг кўпайиши ва уларда баркамол фарзандларнинг камол топиши учун муҳим омилдир. Ёш оила қурувчилар мактаби йил давомида турли мавзуларда машғулотлар олиб боради ва унга турли соҳа мутахассислари, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган инсонлар таклиф этилади. Бизни қувонтирадиган жиҳати шундаки, бундай машғулотларда ёшларимиз фаол иштирок этиб, баҳс-мунозараларда ўз фикрларини эркин билдирмоқдалар. Бундан ташқари, машғулотлар учун мавзуларни уларнинг қизиқишлари, таклиф ва мулоҳазаларидан келиб чиқиб танлаганимиз ҳам тадбирларимизнинг жонли ва қизиқарли ўтишига сабаб бўляпти.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА,
"Mahalla" мухбири.

Тошкент шаҳри

Олам турфа

АСАБНИ ТИНЧЛАНТИРУВЧИ РАНГ

АҚШнинг Майами шаҳрида пушти рангли қамоқхона пайдо бўлди.

Маҳаллий шериф (ҳоким) қамоқхона биносини пушти рангга бўяшга топшириқ берган. Унинг фикрича, пушти ранг асабларни тинчлантирар экан. Шу боис махбуслар барча деворларни ана шу рангга бўяб чиқишди. Қамоқхона панжараларига эса одатдаги кўк ўрнига алвон ранг берилди.

Мутахассислар томонидан ўтказилган бир қанча тажрибаларда ҳам пушти рангнинг асабларни тинчлантирувчи хусусиятга эга эканлиги аниқланган эди.

ПИШЛОҚ ҲАҚИДА

Маълумки, пишлоқ жуда кўп йиллар илгари пайдо бўлган маҳсулот. Шунга қарамай, ҳозирги кунгача унинг келиб чиқиши ҳақида турли тахминлар мавжуд.

Ана шундай тахминлардан бирида айтилишича, кунларнинг бирида Канан исмли араб савдогари узоқ сафарга чиқади. Борадиган манзили олисда бўлгани учун у ўзи билан емак, ичишга эса қўйнинг қуритилган ошқозонига сут қуйиб олади. Кеч киргач, Канан тунаш учун бир жойда тўхтайди ва уйқуга кетишдан олдин идишдаги сутни ичмоқчи бўлади. Бироқ идишдан сут ўрнига оқ суюқлик (зардоб) тушади, идишда эса қуюлиб қолган бир бўлак нарса турарди. Кайфияти тушган Канан қуюлиб қолган нарсадан татиб кўради ва янги маҳсулотнинг ёқимли таъмидан ҳайратга тушади. Бундан деярли тўрт минг аввал содир бўлган воқеа пишлоқнинг пайдо бўлишига туртки бўлган экан. Ушбу давр оралиғида пишлоқнинг ёқимли таъми кўпчиликни ром этиб улгурди.

Самарқанд вилояти

Маълумки, фарзандларни дунёга келтириш ҳамда уларни маънан ва жисмонан баркамол қилиб вояга етказиш аёллар зиммасидаги энг масъулиятли, энг шарафли вазифадир. Кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, тиббий маданиятини юксалтириш, саломатлигини муҳофаза этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ва аниқ йўналтирилган дастурлар асосида қатор ишлар амалга оширилаётгани юртимизда энг аввало соғлом авлодни камол топтиришга қаратилган ислоҳотлар намунасидир.

СОҒЛОМ она — фарзанд

— Соғлиқни сақлаш борасидаги ислоҳотларни ҳар бир хотин-қиз онгига тўла-тўкис етказишда маҳаллаларда ташкил этилаётган ўқув-семинарларнинг, бевосита мулоқотларнинг аҳамияти беқиёс. Шу боис бундай тадбирларни ҳар ҳафтанинг шанба куни маҳаллаларда, ўқув юртларида ташкил этамиз, — дейди Тошкент шаҳри Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаттар Содиқова. — Бугунги ўқув-семинарга асосан маҳалла маслаҳатчилари таклиф этилган. Чунки уларнинг фаолияти хотин-қизлар билан чамбарчас боғлиқ.

Чилонзор тумани хотин-қизлар қўмитаси, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, "Маҳалла" ҳамда "Соғлом авлод учун" жамғармаларининг туман бўлинмалари ташаббуси билан Дўмбиробод маҳалласида "Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш. Скрининг марказларининг мақсад ва вазифалари" мавзусида семинар-учрашув бўлиб ўтди. Унда тумандаги мавжуд 49 та маҳалла фуқаролар йиғининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда маҳалла аёллари иштирок этишди.

— Скрининг марказларининг асосий вазифаси ногирон чақалоқлар дунёга келишининг олдини олиш, ҳомиладаги нуқсонларни ўз вақтида аниқлаб, бартараф этишдан иборат, — дейди шаҳар II перинотал маразининг чақалоқлар бўлими шифокори Холида Тоҳирова. — Айни пайтда юртимизда замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур марказларда кўрсатиладиган барча хизматлар бепул амалга оширилади.

Шунингдек, ўсмир қизлар саломатлиги ва уларни оналикка тайёрлаш, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари тўғрисидаги маърузалар ҳам тадбир иштирокчиларига манзур бўлди. Тадбир сўнгида йиғилганларга ўқув-услубий қўлланмалар тарқатилди.

МУХБИРИМИЗ

Самарқанд вилояти

Айрим сабабларга кўра кейинги йилларда Иштихон туманида йўловчиларга хизмат кўрсатувчи автобус паркининг фаолияти анча оқсаб қолганди. Бу кўзлаган манзилга ўз вақтида етиб олиш истагида бўлган йўловчилар учун муаммога, вазиятдан унумли фойдаланиб қолувчи баъзи "ишбилармон" шахсий автоулов эгалари учун эса даромад манбаига айланган эди.

ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ ДУО ОЛАЁТГАНЛАР

— Яқинда тадбиркор Файзулла Эргашев "СамАвто" корхонасидан лизингга учта "Исузи" русумли автобус сотиб олиб, туман маркази ва Митан шаҳарчалари оралиғида доимий транспорт қатновини йўлга қўйди, — дейди "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмаси раиси Тошпўлат Ражабов. — Бу билан у қишнинг қорлиқировли кунларида аҳоли учун катта қулайлик яратди. Кўрсатилаётган хизмат сифати ва йўлкира нархи йўловчиларни қониқтиряпти.

Юртдошларининг узоғини яқин этишдек хайрли ишга бел боғлаган тадбиркор яна еттита автобус сотиб олиб, "Иштихон — Самарқанд", "Митан — Самарқанд", "Митан — Каттақўрғон" йўналишлари бўйича транспорт қатновини йўлга қўйишни режалаштирган.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Коммунал хизмат

«АРЗИМАГАН» қарзимиз қанча?

...Уйимизга келган меҳмонни йўлаккача кузатиб чиқдим. Уч-тўрт кундан бери лифтнинг ишламаётгани хаёлимдан кўтарилиб, беихтиёр лифт тугмасини босибман.

— Лифт ишламаяпти, ҳали келаётганимда олтинчи қаватга яёв чиққунимча тинкам қуриб қолди-я...

Меҳмон шу сўзларни айтар экан, негадир лифт эшигига тикилганча туриб қолди. Қарасам, лифт эшигига қоғоз ёпиштирилган, унда қуйидаги ёзувни ўқидим: "Ҳурматли мулкдорлар! Ушбу қаватдаги 213-, 214- хонадонларнинг коммунал тўловдан ... қарзлари бор. Тўловлар ўз вақтида тўланган тақдирда лифтни созлаш учун эҳтиёт қисм сотиб олиш имконияти туғилар эди". Бу ёзув киши эътиборини тортадиган қилиб, хонадон рақамлари ва қарз миқдори рангли тарзда, катта-катта қилиб ёзилганди. Албатта, меҳмон ҳам бу ёзувни эринмай ўқиди, қошлари чимирилди.

— 213-хонадон сизларники шекилли? — ўсмоқчилаб сўради у. Бу саволга яширинган маънони дарҳол тушундим, хижолат тортдим. Зиналардан пастлай бошладик. Меҳмон аёл инқиллагани сайин баттар ўнғайсизланар эдим. Хайрлашар чоғимиз у "Ери бир парча бўлсаям ҳовли яхши-да, лифти ишламаса, бир бало экан-ку «дом» дегани..." деб кетди. Бу гап менга «Дом»нинг баланд қаватида яшагандан кейин тўловини вақтида тўлаб, лифтни ишлатиб қўймайсизми?" дегандек туюлди. Жаҳлим чиқди. Шу ёзувни лифт эшигига илдирган ширкатчиларни ичимда қойидим. Тавба, шу тўловни тўламай қўярмидик, ахир тўлаймиз-да! Ўзиям арзимаган маблағ — йигирма беш минг сўм экан. Ширкат ҳисобчисига учраб қўйишга азбаройи вақт тополмаганимдан бироз қарздор бўлибман. Шуни оламга овоза қилиб, одамни изза қилиш шартми? Эртагаёқ ширкатга чиқаман, ёзувни олиб ташлашларини талаб қиламан: ахир ҳар қандай ҳолатда лифтни ишлатиб қўйишлари шарт-ку!

Юқорига кўтарилар эканман, ҳар бир қаватда лифт эшигига ёпиштирилган боягидек ёзувларни ўқий бошладим. Эҳ-ҳе, деярли ҳар бир хонадон қарздор экан-ку! Айримларнинг қарзлари юз минг сўмдан ошади-я! Демак, биргина бизнинг йўлакда жойлашган хонадонларнинг коммунал тўловдан қарзи деярли ярим миллион сўмга яқин. Битта кўпқаватли уйда бешта ёки олтита йўлак бор, ҳар бир йўлакда шунча қарздор. Ҳар бир ширкат тасарруфида камида икки-учта кўпқаватли уй бўлса керак. Шунча катта маблағ ўз вақтида тўланмагач, лифт учун эҳтиёт қисм олишдан ташқари яна бир қанча муаммо туғилса керак ахир?!.

Уйга кирибоқ, электр энергияси, газ, иссиқ сув, совуқ сув... хуллас, барча тўлов дафтарчаларини бирма-бир кўздан кечирдим. Қарзларим миқдори икки бараварга ортди. Эртасигаёқ барча тўловларни тўлаб, хотиржам тортдим. Лифтимиз яна ўн кунча ишламай турди. Кейинроқ лифтни ишлатишди-ю, лекин қарздорлар сафи сийраклашмади шекилли, ҳарҳолда ҳар бир қават йўлагида қарздорлар рўйхати ёзилган қоғоз осиғлиқ тураверди.

Бир куни биздан бир қават юқорида яшайдиган қўшни аёл дарду ҳасратини тўкиб солди:

— Биласиз, бўйи етган икки қизим бор, жойи чиқса узатаман, деб турибман. Тунов куни совчилар келишганди, йўлакдаги ўша ёзувни ўқишган шекилли, бошқа гап қолиб "Коммунал тўловлардан анча-мунча қарзларингиз бор экан, мободо, тўйни бошлаб юборсак, қийналиб қолмайсизларми?" деб қайта-қайта сўрашса денг. Роса хуноб бўлдимда. "Қарз бизники бўлса, сизга нима ташвиш? Ахир бўлажак куёвимга тўлатгирмасман қарзимни", деб узиб олай дедиму, яна шайтонга ҳай бердим...

— Қарзингиз шунча кўпми? — беихтиёр сўрадим ундан.

— Вой ўлсин, арзимаган икки юз саксон минг сўм. Тўйдан кейин тўлармиз, деб юргандим...

Икки юз саксон минг сўм арзимас қарз эмиш. Аввал тўй, кейин коммунал тўлов, денг?! Лекин тўй маслаҳати ҳали пишмаган, демак, қўшнимнинг қарзи ҳали-бери узилмайди-ю, шунинг эвазига лифт ёки йўлагимиз таъмирталаблигича тураверади. Хўш, худди шундай "арзимаган" қарзи борлар қанча ўзи? Афсуски, анча. Бировнинг даромадини чамалаш яхши эмаску-я, лекин қизиқ бир ҳолат: шу аёлнинг хонадонида топиб-тутиб келадиган тўрт нафар одам бор, тўкисгина яшашади. Наҳотки, коммунал тўловларни вақтида тўлаб қўйиш шунчалик қийин бўлса?

Нега кўпчилигимизнинг феъли шундай — биров биздан беш-ўн сўм қарздор бўлса, ўша қарзни ундирмагунча тоқатсизланиб, қарздорнинг бошини ёргудек бўламизу, ўзимиз бировга, айниқса, коммунал тўловлар учун ширкатга қарздор бўлсак, ундан фориғ бўлишни режалаштириб қўямиз. Қиш қаҳратонида этиги тешилган одам дарҳол этикдўзнинг эшигини қоқади, айтганини нақд бериб, этигини яматади. Хизмат кўрсатилди — хизмат ҳақи тўланди. Лекин қиш қаҳратонида уйимиз иситилгани, электр қуввати билан ёритилгани ва ҳоказо коммунал хизматлар учун тўловни пайсалга соламиз. Коммунал хизматдан фойдаландик, лекин хизмат ҳақи ...бўйи етган қизнинг бахти очилмагунича ёки масалан, бир оила мисолида олсак — хотин кўз остига олиб қўйган тилла тақинчоқ заргарлик дўконидан бармоққа "кўчиб" ўтмагунича ёхуд эрнинг "гижинглаган тойчоғи" тўрт ғилдирагини янгиламагунича тўланмайди! Хўш, иссиғлигу ёруғлик каби қулайликлар яратилиши учун биргина кўпқаватли уй миқёсида қанча маблағ сарфланмоқда? Бу сарф-харажат туман ёки шаҳар миқёсида қанча бўлишини чамалаб кўрганмизми? Уриниб кўрайлик-чи...

Яхшиямки, беш бармоқ баробар эмас. Кўпқаватли уйимизнинг биринчи қаватида нуроний чол-кампир ўғил невараси билан яшайди. "Домчилик" деганларидек, исмларини аниқ билмайман. Ёз кунларининг бирида чолнинг кампирга шундай дашном берганини эшитгандим: "Хархашангни қўй, мен коммунал тўловни тўламагунимча ҳеч қандай совға ҳақида ўйламайман! Нима, қарзингни тўла, деб эшигимни тақиллатиб келишса, келиним туғилган кун қилди, пенсиямни совғага сарфладим, дейманми? Қўй, шу ёшимизда бандасидан ҳам, ширкатидан ҳам қарздор бўлмайлик..."

Бу гапларнинг мағзини энди чақяпман. Коммунал тўловларни кечиктирмайдиганлар, ҳатто йил бошидаёқ олдиндан тўлаб қўядиган фуқаролар ҳам анчагина. Бунинг бир яхши жиҳати кўнгил хотиржамлиги бўлса, иккинчи яхши жиҳати йил давомида коммунал хизматлар нархи ошиб қолгудек бўлса, энди қанча тўлар эканман, деб хавотирланмайсиз.

Умуман, айни кунда коммунал тўловлар хусусида гап очилса, ширкатлар ишига кўп эътирозлар айтилади. Бу — мулоҳаза учун алоҳида мавзу, чунки кўпгина ҳолатларда мулкдорлар ўз талаб-эътирозларида ҳақли. Лекин айрим мулкдорларнинг "Ширкат яхши ишлайдиган бўлмагунича коммунал тўлов тўламайман", дейиши мутлақо нотўғри, ҳатто қонунбузарликдир. Ширкат фаолиятидан қониқмаслигимиз туфайли коммунал тўловлардан соқит бўлолмаймиз. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати — жамоат ташкилоти. Унинг фаолиятини ташкил этишда, энг муҳими, яхшилашда ҳар бир мулкдор иштирок этиши лозим. Бу ҳар биримизнинг фуқаро сифатидаги ижтимоий фаоллигимиз қай даражада эканига боғлиқ. Шундай эмасми, муҳтарам мулкдорлар?..

Мавлуда ҚОСИМОВА

Самарқанд вилояти

Тўловнинг рағбати — тўйга

Маълумки, юртимизда ҳар бир йил номи билан боғлиқ равишда ишлаб чиқилаётган Давлат дастурлари кўпгина хайрли ишларни амалга оширишда дастуриламал бўляпти. Жумладан, ўтган Ижтимоий ҳимоя йилида ҳам кўплаб юртдошларимиз давлатимиз ғамхўрлигидан, саховатпеша инсонлар ва ҳомий ташкилотлар кўмагидан баҳраманд бўлди.

— Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, коммунал тўловларнинг маҳаллалар томонидан йиғилиши ва хизмат ҳақи эвазига 10 фоиз маблағ маҳалла фуқаролар йиғини ҳисобида қолдирилиши аҳолидан коммунал тўловларни тўлиқ ва ўз вақтида ундиришга ҳамда коммунал соҳа фаолиятининг жонланишига асос бўлди, — дейди "Маҳалла" жамғармаси Пайариқ тумани бўлинмаси раиси Сайдулло Бойзоқов. — Қолаверса, маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техника баъзаси мустаҳкамланди. Тумандаги мавжуд 61 та маҳалла йиғинларининг барчасига компьютер жамланмалари олиб берилди. Бинобарин, кунда кунора уюштирилаётган хайрия тадбирлари эҳтиёжманд, якка-ёлғиз, етим-есир маҳалладошларининг бошини силовчи саховатпеша инсонлар сафи кенгайиб бораётганидан далолатдир.

Президентимизнинг жорий йилни Ёшлар йили деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббусини ҳар бир юртдошимиз астойдил қўллаб-қувватлади. Ушбу йил аввало ўтган йилларда бошлаган хайрли ишларимизни узвий равишда давом эттириш, эзгу анъаналаримизни янада жонлантириш имкониятини яратади.

— Келажагимиз, юртимиз таянчи бўлган ёшларга янада кенгроқ эътибор қаратишимиз, уларни ҳам маънан, ҳам жисмонан комил инсонлар қилиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшишимиз зарур, — дейди С.Бойзоқов. — Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар фарзандларининг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, улар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларни янада жонлантириш биринчи галдаги вазифаларимиз сирасидан ўрин олиши керак.

Дарвоқе, жамғарманинг туман бўлинмаси янги йилни хайрли тадбир билан бошлади. "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ҳисобрақамига коммунал тўловларни йиғиш эвазига тушаётган рағбат маблағи ҳисобидан 12,5 миллион сўм ажратилиб, маҳаллалардаги иқтисодий ночор, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг 107 нафар фарзандларига суннат тўйи ўтказиб берилди. Шунингдек, болаларнинг ҳар бири учун очилган омонат дафтарчасига 30 минг сўмдан пул қўйилиб, тўйболаларга бош-оёқ сарпо қилинди.

Табиийки ушбу хайрия тадбири тўйболалар қалбида маҳаллага меҳр, юртига садоқат туйғуларини янада жўш урдиради.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Ёшлар мулоҳазаси

Қўшни тумандан тушган келинчак

Кейинги пайтларда қуда-андачилик ришталари боғланаётганда ота-боболаримиз каби келин ёки куёв бўлмишнинг насл-насабини суриштириш анъанасига жиддий эътибор берилмаяпти, назаримда. Яқинда қишлоғимизга қўшни тумандан келин тушди.

Келин тарафдагилар куёвни яхшилаб сўраб-суриштирмасдан тўйга рози бўлишди. Ваҳоланки, улар яхши танимаган, боз устига бошқа туманлик одамларни обдон суриштиришлари, фарзандлари тақдири ким билан боғланаётгани тўғрисида жиддий ўйлаб кўришлари лозим эди. Куёв бўлмиш ичкиликка берилган, қўлида на ҳунари, на касби бўлган кўча безори йигитлигидан бохабар бўлганлар эса кўра-била туриб, "Бировга ёмон кўриниб нима қилдим, менга нима..." дегандек жим қараб тураверишди.

Бу тахлит муносабат билдирадиган замондошларимизни бир томондан тушуниш мумкиндир. Аммо маҳалланг — ота-онанг, нақлидан келиб чиқиб мулоҳаза юритадиган бўлсак, бундай бефарқлик жамиятимиз учун ўта зарарли ҳолат экани аён бўлади. Менимча, ёшлар тарбиясида, айниқса, турмуш қуришдек нозик масалада барчамиз сув тошса, тўпиғимга келмайди, қабилида эмас, жавобгарликни ҳис этган ҳолда иш тутсак, тўғри бўларди. Албатта, бунда нафақат катталар, балки оила қураётган ёшлардан ҳам масъулият ва ҳушёрлик талаб этилади.

Бир йил бурун маҳалламизда данғиллама тўй қилиниб, келин-куёвга бахт тиланди, эзгу тилаклар билдирилди. Аввалига ёш оиланинг турмуши рисоладагидек бошланган эди. Бироқ олти ой ўтар-ўтмас, улар ўзларига маълум сабабларга кўра ажрашишга қарор қилишди. Хуллас, оилавий ажрим тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекишганда улар ҳали йигирма ёшга ҳам тўлмаган эдилар...

Бу каби нохуш воқеалар кишини мулоҳазага чорлаши табиий. Тўй муносабати билан сарфланган миллионлаб пулларни-ку қўя турайлик, энг ачинарлиси — умид билан тикланган оила қўрғонининг қуласи. Энди катта ҳаёт остонасидаёқ қоқилган ёшларга турмушини изга солиб олиш қанчалик қийин кечишини таъкидлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Ёки бу зарба уларнинг келгуси ҳаётига ҳам таъсир этмаслигига ким кафолат бера олади?!

Тўғри, оилавий ажримларнинг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Бунда баъзан ота-оналарни, баъзан ёшларни айблаймиз. Мабодо мана бундай йўл тутилганда, оилани сақлаб қолиш мумкин эди, деган мулоҳазаларни билдиришга ҳам журъат этамиз. Менимча, ҳамма гап оила қуришда, аниқроғи, жуфти ҳалол танлашда хатоликка йўл қўймасликда. Бу борада минг йиллар давомида ота-боболаримиз тажрибаларида синалган анъаналардан келиб чиққан ҳолда иш кўрилса ва бунда катталар билан бир қаторда ёшлар ҳам масъулиятни ҳис қилган ҳолда иш кўришса, тўғри бўларди.

Дилафруз СИДДИҚОВА, талаба.

Ибрат

ОДАМИЙЛИК ОМОН БЎЛСА...

марҳум отанинг қарздорлик мажбурияти мурғак ўғил зиммасига тушиб қолмайди

Ёзувчи Муҳаммад Исмоилийнинг "Чиройлисан тенги йўқ" китобига жамланган бадиа ва қиссалар аждодларимиз томонидан яратилган, руҳиятимизга сингган маънавий анъаналаримизни қадрлаш, улар билан фахрланишга ундайди.

Мазкур китобда китобхонни мулоҳазага ундаб, туғилмоғу яшашдан мақсад нима, деган асрий саволга жавоб беришга қодир асарлардан бири "Бошимдаги тожим — онам" бадиасидир. Ушбу эссени ўқиган китобхон кўз ўнгида маҳалла, ундаги ҳаёт ўзининг турли жабҳалари билан намоён бўлади.

Ёзувчи ўзини "тетапоя қилган, йиқилганида суяган, юрганида йўлдош бўлган, жонидан ортиқ кўрган — онаси" ҳақида кўнгил кечинмаларини ёзар экан, бу асар орқали ўзбек оналарини мадҳ этишини алоҳида таъкидлайди. Чунончи, "Онам ҳақида сўзлаганимда, худди юрагимдаги сирларимни бирма-бир ошкор қилаётгандай бўлавераман", дея кўнглидаги фикрини самимият билан ифодалайди адиб.

Бадиа ўзбек онасининг ўз жигаргўшасига бўлган чексиз меҳр-муҳаббати, таълим-тарбия беришда оқилалигини акс эттирувчи халқ афсоналари, ривоятлар билан бойитилган. Бадиада она тарбияси панд-насиҳат, қуруқ талаб, ваъзхонлик кўринишида эмас, балки фарзандининг хатти-ҳаракатига аралашишга эҳтиёж туғилган вазиятларда онанинг шахсий ибрати мисолида акс этган.

Бадиага киритилган ривоятлардан бирида келтирилишича, "... қаршисида турган тоғнинг тошларини елкасига ортиб, ўзига йўл очаётган чумолига бу уддалаб бўлмас ишга қўл ургани учун танбеҳ берганларида чумоли: "Тоғнинг нариги томонида онам бор. Онамнинг ёнига бориб келиш учун тоғнинг ўртасини ёриб, ўзимга йўл қилаётирман", дейди. Унга: "Бу сенинг қўлингдан келмайди-ку", дейишса, "Қўлимдан келмаслиги баҳона бўлолмайди", деган экан.

Эссе бир неча воқеалар занжиридан иборат бўлиб, ҳар бир кичик ҳикояда онанинг фарзанди ҳаётида ва камолга етишида тутган ўрни самимият билан ҳикоя қилинади. Она ўғлига сўзлайдиган навбатдаги ривоятда ҳикоя қилинишича, иморат қураётган бир одамнинг олдига Азроил келиб, жонини олмоқчи эканини айтади. Шунда ҳалиги одам қураётган иморатининг меҳмонхонаси чала қолаётганлигини айтиб, Азроилдан ўзига бир оз фурсат беришини ўтиниб сўрайди. Токи у меҳмонхона қурилишини битказсину, ўлимидан кейин ҳам унинг уйига дўстлари бемалол келиб турсинлар. Азроил бу одамнинг ўтинчини Тангри таолога етказади ва ўн саккиз минг олам яратувчисидан шундай жавоб олади: "Бандамга бориб айт, у дўстларига шунчалик оқибатли бўлса, ер юзида сўнгги дўсти қолгунича яшайверсин"... Адиб бу ҳикмат унга бир умрлик сабоқ бўлгани боис ҳамиша дўст орттириш, уларга садоқат кўрсатиш ва улардан узилмасликка интилиб яшаётганини алоҳида таъкидлайди.

Мазкур асар инсонга маҳалла-қўй орасида ўзини қандай тутиши, жамоа билан мулоқотда бўлишига доир сабоқларни беришга ҳам қодир. Бу борада Пайғамбаримиз (с.а.в) ҳаёти билан боғлиқ бир ҳикоятдан ўринли фойдаланилган: "Бир тўнғиз йўлнинг ўртасидан кесиб ўтаётганини кўрган Пайғамбаримиз (с.а.в):

— Э, Худо, шу махлуқинг йўлдан эсон-омон ўтиб олсин-да, — дебдилар. Бу сўзларни эшитиб турган саҳобаи киромлар:

— Ё, Расулуллоҳ, бу тўнғиз Худо лаънатлаган махлуқ бўлса, нега уни алқаяпсиз? — деб сўраганларида, Расулуллоҳ (с.а.в):

— Уни кўриб, тилимга ёмон сўз келмаслиги учун, яъни тўнғизни асраш учун эмас, ўз тилимни бўлмағур сўзлардан асраш учун, — деб жавоб берган эканлар.

Бадиа қаҳрамони ўз маҳалласида жаноза устидан чиқиб қолиб, маъракада иштирок этади. Марҳум унга таниш эди. Жаноза ўқилишидан аввал анъанага биноан жамоадан марҳумнинг бирор кишидан қарздорлиги ёки мол-мулк олди-бердиси бор-йўқлиги хусусида сўралади. Тобут ёнида марҳумнинг ўзига тўқ амакиси майитнинг эгаси сифатида турар эди. Марҳум бир эмас, бир нечта кишидан қарздор бўлиб, бундан жамоат аҳли яхши хабардор эди. Лекин жаноза пайтида қарз берганлар даъво қилишдан истиҳола қилиб туришарди. Ёзувчи шу ўринда жуда қизиқ ҳолатни баён қилади: "Имом шу ерлик бўлганидан марҳумнинг бўйнида анча-мунча қарз борлигини билар эди ва қайтарилмаган қарзлар учун бу банда нариги дунёда азоблар тортишини қайта-қайта таъкидлагач, марҳумга қарз берганлардан бири унинг савлат тўкиб турган бой амакисига юзланди: "Марҳум мендан қарздор эди. Бунга гувоҳларим бор..." Шундан сўнг бошқа қарз берганлар ҳам бирин-кетин ўз даъвосини билдирдилар. Имом марҳумнинг амакисидан "Бу қарзларни тўлашни ўз зиммангизга оласизми, укангиз гўрида тинч ётсинми?" деб сўраганида, амакининг нафси зўрлик қилибми ёки жигарининг қарзи кўплигиданми: "Бу жуда катта миқдордаги пул, мен масъулиятни бўйнимга олиб, Худонинг олдида ёлғончи бўлиб қолишни истамайман. Ана, марҳумнинг ўғли бор, омон бўлса, балки бир кун узилиб кетар", дейди. Шунда жамоат ўртасига 10-12 ёшлардаги болакай чиқади. Гўдак бўлса-да, гап нима хусусда эканини англаб турган болакай катталарга хос босиқлик билан: "Майли, мен отамнинг қарзларини бўйнимга оламан", дейди. Имом ўз вазифасини адо этиб бўлгач, расм-русумлар бажарилиб, тобутни қабр бошига элтадилар. Қабр бошида ҳамма бир сиқимдан тупроқ олиб, лаҳадга ташлай бошлайди. Шунда қарз берган маҳалладошлардан бири баланд овозда: "Шу одам бизнинг қарзларимизни тўлолмай оламдан ўтди, қарз ўрнига жонини берди, мен берган қарзимдан кечдим, биродаримиз гўрида тинч ётсин. Қиёматда ярим танаси куйган ҳолда тирилмасин, Аллоҳ йўлига бағишладим", дейди. Унинг бу сўзларидан руҳланган бошқа маҳалладошлар ҳам бирин-кетин ўз даъволаридан воз кечишади...

Хуллас, ривояту ҳикоятлар, ҳаётий мисоллар воситасида инсоний қадр-қиммат, имон бутунлиги, ота-онага ҳурмат-эҳтиром, эл-юртга садоқат каби азалий фазилатлар улуғланган бу китоб ёшларимиз, ҳаттоки биз катталарга ҳам маънавий озуқа манбаи, ахлоқ-тарбия, одамийлик борасида ўзига хос дарслик бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Саид АЛИМОВ, Ўзбекистон Миллий университети доценти.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Ҳафта давомида ҳаётингизда муҳим ўзгаришлар бўлмайди. Фақат атрофингиздагилар билан муносабатда зиддиятлар келиб чиқиши эҳтимолдан холи эмас.

СИГИР(22.04-20.05)

Шу кунларда савдо-сотиқ ишларига эҳтиёткорлик билан ёндашинг. Уларни амалга оширишда атрофингизга фидойи инсонларни тўплашга ҳаракат қилинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Рўзғор ташвишлари билан боғлиқ муаммолар юзага келиши эҳтимоли бор. Шунга қарамай, янги ҳамкорлик ўрнатиш борасидаги таклифга бефарқ бўлманг.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)

Ҳафта бошида анчадан буён йиғилиб қолган масалаларнинг ечими билан шуғулланишингизга тўғри келади. Бу борада шериклари-нгиз билан маслаҳатлашиб иш тутинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Айни кунларда мазкур бурж вакиллари соғлиқ жиҳатидан қайғуришмайди. Шу боис улар бошлаган ишини муваффақиятли тугатиши мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Ушбу ҳафта давомида фаолиятда янада фаоллашиш ҳамда оилавий муносабатларни мустаҳкамлаб олишингиз учун жуда қулай имкониятлар юзага келиши кутилмоқда.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Ҳафтанинг биринчи ярмида соғлиғингизга эътиборли бўлинг. Негаки, ҳафта охирига бориб янги шартномалар имзолаш каби муҳим ишлар билан банд бўласиз.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Мазкур бурж вакилларининг аксарияти учун ҳафта кўнгилдагидек ўтмаслиги мумкин. Шу боис улар оила аъзоларининг қўлаб-қувватлашига эҳтиёж сезади.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Шу кунларда ҳамкасбларингизга нисбатан сабрлироқ бўлиш талаб этилади. Кутилмаганда, ижтимоий аҳволингизни яхшилаб олиш имконияти туғилади.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Ҳафта давомида хомхаёллардан қочиб, амалий ишлар билан шуғулланса-нгиз, ўйлаган режаларингизда муваффақиятга эришишингиз мумкин.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Мазкур ойни кўнгилдагидек якунлайсиз. Ўйлаган лойиҳаларингизни ҳаётга татбиқ қилишда ҳар доимгидек ўз кучингизга таянганингиз маъқул.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Айни кунларда кўпдан буён сизни ўйлантириб келаётган муаммо ниҳоят ечимини топади. Дам олиш кунларида хизмат сафарига чиқишингиз эҳтимоли бор.

Кўргазма

Гўзалликнинг сеҳрли олами

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазмаси залида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан миллий чолғу асбоблари кўргазмаси очилди.

Кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган уста ва ҳунармандлар томонидан ишланган миллий чолғу асбобларига кенг ўрин берилган.

Кўргазма нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик меҳмонларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Улардан бири — японялик Макото Накамура. У Токио нафис санъат университетини тамомлаган, ҳозир Тошкентдаги Республика рассомлик коллежининг мусиқа асбоблари ясаш бўлимида таълим олмоқда. Айни пайтда у Ўзбекистон—Япония марказида дутор ижрочилиги бўйича японялик санъатсеварларга сабоқ беради.

— Кўргазмани диққат билан кўздан кечирдим, — дейди М.Накамура. — У ўзбек чолғулари тўғрисидаги билимимни янада бойитди. Дутор, сурнай, ғижжак каби асбоблар бизнинг юртимиздаги чаримэра, сямисен каби чолғуларга жуда ўхшаб кетади.

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Спорт

ШАЦКИХ КУЧЛИЛАР САФИДА

Германиянинг Висбаден шаҳрида жойлашган Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) 2007 йилнинг энг машҳур футболчисини аниқлаш учун ўтказилган сўров натижаларини эълон қилди.

Танлов шартига кўра, дунёдаги футбол мухлислари ва мутахассислар Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси томонидан номзод сифатида танлаб олинган ўттиз бир мамлакатнинг эллик беш нафар футболчисидан ўзи маъқул кўрганига халқаро ташкилотнинг расмий веб-сайти — **www.iffhs.de** орқали овоз берди.

Тўрт ой давом этган ва жаҳон бўйлаб уч миллионга яқин киши қатнашган танлов якунига кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси сардори ва Украинанинг "Динамо" (Киев) жамоаси ҳужумчиси Максим Шацких кучли йигирмаликдан жой олган. Унга 3996 нафар киши овоз берди.

Умумий рўйхатда эса Африка ва Осиё қитъасидан етишиб чиққан чарм тўп усталари юқори поғоналардан жой олди. Жумладан, мисрлик футболчи Муҳаммад Абутрейка энг кўп овоз тўплаб, биринчи поғонада қайд этилган бўлса, Саудия Арабистони ҳужумчиси Ёсир Ал-Қаҳтоний ва ироқлик Юнис Маҳмуд кучли учликдан жой олди.

Футболи анча ривожланган Лотин Америкаси вакилларидан тўпурар дарвозабон Рожерио Сени (Бразилия) тўртинчи, ҳозирча энг машҳур европалик футболчи бўлиб турган Егорь Титов (Россия) бешинчи ўринни эгаллади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

24 января этого года на массиве Водник утерян паспорт на имя Шеламовой Елены Григорьевны выданный Бектемирским РОВД. Просим вернуть за вознаграждение. Тел: 383-65-58.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 491-болалар боғчаси касаба уюшмасининг муҳри йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Утерянный план БТИ на квартиру по адресу м-в Водник дом 37, кв.16 выданный на имя Шеламовой Елены Григорьевны Бектемирским БТИ считать не действительным.

Утерянный договор купли-продажи № 5218 выданный 25 мая 2004 г. на имя Шеламовой Елены Григорьевны считать не действительным.

Утерянный диплом № 014289 выданный в1993 г. Ташкентским Государственным институтом Востоковедения на имя Абдурахимов А.Х. считать не действительным.

Утерянный аттестат о среднем образование OR-SH №0188465 от выданный 22.06.2005 г. средней школой №188 Чиланзарского р-на г. Ташкента на имя Юртанидзе Александра Игоревича считать не действительным.

"ELL-AVTO" хусусий фирмасининг маҳоми "ELL-AVTO" масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилди. (ИНН 204368539, код ОКПО 18878737). Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Д.Обидова кўчаси, 127-уй, 45-хонадон. Тел: 235-12-14.

ООО "FIRST DRILLING SERVIS" Яккасарайского района г. Ташкента ликвидируется. (под по ОКПО 205728587). Притензии принимаются в течении 2-месяцев со дня публикации по тел: 137-20-75.

Утерянную 2007 году трудовая книжку выданную на имя Рашидовой Мукаддам Сиддиковны просим вернуть на вознаграждение.Тел: 245-37-43.

Бектемир туманидаги ТХАЙ ФБ (ОКПО 15565570) ўзининг номини Тошкент халқа автомобил йўлларидан фойдаланиш корхонасига ўзгартирганлигини маълум қилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Тел: 298-48-00.

Утерянный аттестат U №2839723 выданный в 2007 году 28-школой Бостанлыкского р-на на имя Шинибекова Шингис Талгатовича считать не действительным.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:

Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Котибият — 236-55-69
Хатлар бўлими: 236-57-62

19218 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-21 Топширилди — 23.30